ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ БЕШ ЙИЛЛИГИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР

Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович
Андижон давлат тиббиёт институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

1990 йилда ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бутун соғлиқни сақлаш тизими олдига қуйидаги:

- 5 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичини 1/3 миқдорда камайтириш;
- 5 ёшгача бўлган болалар ичида яққол ифодаланган овқатланиш бузилишлари ва вазн пастлигини 1/2 миқдоргача қисқартириш;
- кўкрак сути билан боқишни қўллаб қувватлаш ва организмда микроелементлар етишмовчилигини бутунлай йўқотиш;
- бошқариладиган инфекцияларга қарши эмлаш ишларини юқори даражада (камида 90 фоиз) сақлаб қолиш;
- полиомиелитни тугатиш, қизамиқдан касалланиш ва ўлиш ҳолларини 1/2 марта камайтириш;
- Ич кетар касалликларидан ўлим кўрсаткичини 1/2 миқдорда, ўткир респиратор инфексиялардан болалар ўлимини 1/3 миқдорда пасайтириш[1] каби вазифаларни қўйди.

Мустақилликка эришилганидан сўнг, Ўзбекистонда туғруқхона тизими қайта ташкил этилди. Умумий шифохоналарда туғруқ бўлимлари ёпилди ва хизматлар бирламчи тиббий ёрдамга ёки янги ташкил этилган марказий туғруқхоналар ёки бўлимларга ўтказилди, улар қамраб олинган аҳоли учун барча туғруқ ва чақалоқ статсионар хизматларини кўрсатади. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш хизматлари давлат томонидан кафолатланиб қўйилди.

Мамлакатда мавжуд муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимнинг истиқболлари белгиланиб олинди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида гўдаклар ўлимининг асосий сабаблари, аёллар соғлиқ ҳолатининг ёмонлиги, тиббиёт ходимларининг касб малакасининг қониқарсизлиги, ота-оналари бола ҳаётига хавф туғдирувчи белгиларни билмаслиги туфайли тиббий муассасаларга кеч мурожаат қилиши, беморнинг аҳволи оғирлигини кечикиб баҳолаш, оғир аҳволдаги бемор болага реанимация ёрдамини кўрсатиш учун асбоб-ускуналар ва дори-дармонларнинг етишмаслигида намоён бўлди.

Мамлакатда оналар ва болалар ўлимини камайтириш, қишлоқда тиббий хизматни такомиллаштириш узоқ йиллардан бери ўз ечимини кутиб ётган муаммога айланганди. Чунки, экология ночор ҳолатга келиб қолган, соғлиқни сақлаш соҳасидаги маълумотлар сохталаштирилган, хавфли ва юқумли касалликларнинг ташхислари касаллик варақаларига рўйи-рост ёзилмасдан, бузиб кўрсатиш ҳоллари кузатилган. «Сариқ касаллиги» деб ном олган хасталик шундай кучаяр эдики, касалхоналарга беморлар сиғмай кетарди. Беморларнинг фосфор-органик дефолиантлардан заҳарлангани ва беморларнинг сони махфий тутилган.

[1] Ўзбекистон Республикасида гўдаклар ўлими // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 1998. – №1. – Б. 11 .

Бундай ҳолат фақат Фарғона водийси вилоятларигагина эмас, балки бутун республикага хос эди. Бир ёшгача бўлган чақалоқлар ва туғиш вақтида вафот этган оналар ўлими статистикаси сир тутилган.

Гўдаклар орасида ўлим ҳоллари бир қадар камайган бўлса ҳам, лекин уларнинг сони янги туғилган ҳар 1 минг нафар бола ҳисобидан олганда 35,5 нафарга тўғри келди. Ҳар йилда ўрта ҳисобда 24 минг бола бир ёшга етмай нобуд бўларди. Оналар ўртасидаги ўлим ҳам анча юқори бўлиб, яъни тирик бола туққан 100 минг аёл ҳисобидан олганда 65,3 нафарга тўғри келди[2].

1990-1991 йилларда Наманган вилоятида вафот этган 1 ёшгача бўлган болаларнинг 90 фоизидан ортиғи касалланиш оқибатида ҳалок бўлган. Бунда нафас олиш органлари касалликлари кўпроқ учраган. Масалан, бу даврда ҳар 1 минг нафар 1 ёшгача бўлган болаларнинг 19 нафари юқорида зикр этилган касалликдан нобуд бўлган. Кейинги ўринларни аёлларнинг туғиш олди даври касалликлари, юқумли касалликлар ва туғма носоғломликлар эгаллаган.

Ушбу касалликлар ва улардан вафот этган болалар сони кўпроқ қишлоқ жойларида кузатилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1 ёшгача бўлган қишлоқ болаларининг кўп қисми юқумли касалликлардан нобуд бўлди. Бу кўрсаткич Янгиқўрғон, Чуст ва мингбулоқ туманларида вилоят ўртажа даражасидан юқори бўлса, Наманган ва Косонсой туманларида мўтадил бўлиб, вилоят кўрсаткичидан анча паст эди[3].

Хотин-қизлар соғлиғи керакли даражада эмас, бунинг натижасида эрта туғилган чақалоқлар улуши 1991 йилдаги 3,1 фоизга нисбатан 1992 йилда 4,5 фоизга ўсди. Шу муносабат билан Фарғона вилоятида 28 ёшгача вафот этган болалар улуши кўпайган.

Бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар ва заҳарланишлар натижасида бир ёшгача бўлган болалар ўлими улушининг 1991 йилдаги 4,3 фоиздан 1992 йилдаги 5,6 фоизга ошгани диққатга сазовордир. Кўрсатилган сабабларга кўра болалар ўлимининг ҳаддан ташқари юқори қайд этилган ҳудудлар қаторида Андижон вилояти ҳам бўлиб, 21,6 фоизни ташкил этган. Гўдаклар ўлими сабабларида асосий ўринни туғма нуқсонлар эгаллаб, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида - 8,3 фоизга тўғри келган. Умуман олганда, туғма нуқсонлардан янги туғилган чақалоқлар ўлимининг анча юқори бўлиши соҳада тиббий генетик ёрдам ва перинатал диагностиканинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

1992 йил охирида республикада оналар ўлими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 66,3 дан 52,1 гача камайди, лекин чақалоқлар ўлими мос равишда 35,5 дан 36,8 га ошди[4]. Чақалоқлар ўлими таркибида иккинчи ўринни перинатал давр касалликлари эгаллаган. Болалар шифохоналарининг неонатал патология бўлимларига янги туғилган чақалоқларни етказишда кечиктириш ҳоллари кузатилган. Касалланган янги туғилган чақалоқларнинг 24 фоизи ўз вақтида ушбу бўлимларга ўтказилмаган. Шу билан бирга, янги туғилган чақалоқлар учун ўрин-жойлар, республика бўйича ўртача йилига атиги 210 кун ишлаган[5].

Республикада 1992 йилда гўдаклар ўлими даражаси ўтган йилдаги 35,5 фоизга нисбатан

---

[2] Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб.... – Б. 232–233.

[3] Назаров М.И. Қишлоқ жойларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этилиши. (Наманган вилояти мисолида): геог. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 71.

[4] ЎзР ИТТҲ МДА, М-372-фонд. 1-рўйхат, 164-йиғма жилд, 80-варақ.

[5] ЎзР ИТТҲ МДА, М-372-фонд. 1-рўйхат, 164-йиғма жилд, 137 варақ.

37,5 фоизга ошган. Чақалоқлар ўлимининг сезиларли ўсиши Наманган вилоятида 36,9 фоиз, Фарғона вилоятида 36,5 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, республикада 26 минг 699 нафар 1 ёшгача бўлган болалар вафот этган, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 минг 400 нафарга кўпдир.

Гўдаклар ўлими сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўтган йиллардаги каби болалар энг кўп юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ва пневмониядан вафот этган. Улар жами ҳалок бўлганларнинг 45,0 фоизини ташкил қилди. Бу даврда Наманган вилоятида ўлим даражаси юқори бўлган.

Уй шароитида ўлим даражаси юқори бўлишининг асосий сабабларидан бири педиатр, айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан таъминланмаганлиги, ота-оналар ўртасида тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилиш зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишларининг пастлигидир.

Гўдаклар ўлими даражасига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бу ҳомиладор аёлларнинг тиббий назоратидир. Фарғона вилоятининг Бағдод туманида ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, вафот этган 27,5 фоиз чақалоқларнинг оналари туғруқхонага бормаган.

Болаларнинг касалланиши ва ўлимини камайтиришнинг асосий тамойилларидан бири она сути билан озиқланишидир. Республика аҳолисининг атиги 52,7 фоизи 3 ойликгача она сути билан озиқланади. Қуруқ сутли махсулотлар етишмаслиги билан уларга бўлган эҳтиёж 20 фоиздан кам қондирилса, озиқланишда жиддий ташвиш туғдиради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб борилаётган йўналишга қарамай, бола онасининг соғлиғини ҳимоя қилиш устуворлиги педиатрия хизматининг умумий тиббиёт тармоғидан кескин орқада қолиши бўлган. Барча шифокорлар орасида педиатрларнинг улуши 16,8 фоизни, Ўзбекистонда болалар сони эса 41 фоиздан ортиқни ташкил қилади. Катта ёшдагилардаги касалликлар сони 4,0 миллиондан ортиқ бўлган бўлса, бу ҳолат, болаларда 3,9 миллионни ташкил қилиб, 1 нафар педиатр шифокор 326 касалликни даволаши керак эди[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳомиладор аёллар ҳамда икки ёшгача бўлган болаларни ижтимоий ҳимояга олиш бўйича чиқарган Фармони ижроси юзасидан Фарғона вилоятда истиқомат қилувчи ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш ва 2 ёшгача бўлган болаларга бепул овқат бериш ишлари амалга оширилди[7]. Бу борада камқонлик дардига чалинган ҳомиладор аёлларни, ёш болаларни ва ёлғиз нафақачиларни бепул овқатлантириш учун республика бўйича давлат бюджетидан 300 млн сўмдан кўпроқ пул сарфланди[8].

1993 йилда Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва касалликларни олидини олиш мақсадида 2 ёшгача бўлган нимжон болаларнинг озиқ-овқатига 199 млн 337 минг сўм, камқон ҳомиладор аёлларнинг дори-дармонлари учун 1 млн 925 минг сўм ва озиқ-овқати учун 199 млн 533 минг сўм маблағ сарифланиши натижасида 1 ёшгача бўлган болаларнинг нобуд бўлиши 34,1 нафардан 22,8 нафарга камайган[9].

---

[6] ЎзР ИТТҲ МДА, М-372-фонд. 1-рўйхат, 164-йиғма жилд, 140 варақ.

[7] ФВДА, 1220-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғмажилд, 22-варақ.

[8] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий Истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996 й. –Б. 205.

[9] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 1-рўйхат, 177-жиғма жилд, 30-варақ

Оила, жамият ва давлат келажаги ва тараққиёти аёлнинг ва ёш авлоднинг соғлиги билан бевосита боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда аёлларни тақдирлаш учун 1993 йили биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Оила» кодексида[10] ҳам аёл ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлади.

Мамлакатда «Соғлом авлод учун» дастурининг қабул қилиниши ва бу йўлда тинимсиз ҳаракатлар олиб борилганлиги ўз самарасини кўрсатди. Миллатни соғломлаштириш, аҳоли умрини узайтириш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, келажак авлодларга соғлом ва иқтидорли зурриёт қолдириш борасидаги изланишлар бу соҳада тўғри йўл тутилганлигини исботлади.

Тиббиёт хизмати кўрсатиш қай даражада эканлиги кўпинча оналар ва болалар саломатлигини сақлашдаги ишлар билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан қараганда Андижон вилоятида туғилган ҳар минг гўдакдан 1993 йилда 25,6 нафари нобуд бўлганли ги га қарамай, бу республикадаги энг паст кўрсаткич эди. Оналарни соғломлаштириш масаласида вилоятда катта ишлар амалга оширилди. Манашу давр мобайнида вилоятидан уч киши Президент фармони билан «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлангани ҳам бу борадаги ишларга берилган муносиб баҳодир[11]. Амалга оширилган ишлар натижасида вилоятда 1 ёшгача бўлган болалар ўлими аввалги йилга нисбатан 1,5 фоизга камайган.

Фарғона вилоятида олиб борилган соғломлаштириш тадбирлари натижасида 1993 йилда болалар ўлими 33,7 та бўлган бўлса, 1994 йилда 28,7 тага, оналар ўлими эса 19,4 тадан 16,9 тага камайган. Вилоятда 387 минг 199 нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 188 минг 401 нафарида турли хасталиклар аниқланган. Диспансер назоратига олинган 113 минг 272 нафар хасталикка мойил болаларнинг 85 минг 425 нафари даволаш муассасаларида, 64 минг 520 нафари болалар ёзги оромгоҳ ва сиҳатгоҳларда соғломлаштирилган. Олиб борилган тўла соғломлаштириш тадбирлари натижасида вилоятда болалар ўлими кўрсаткичлари 41,7 фоиздан 28,7 фоизга, оналар ўлими эса 38,1 фоиздан 18 фоизга камайган[12].

Наманган вилоятида ҳар минг нафар болага нисбатан болалар ўлими кўрсаткичи 1993 йилда 34,9 ни ташкил этган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 29,7 га камайди. Оналар ўлими кўрсаткичи эса 34,9 дан 29,8 га камайишига эришилди[13]. Андижон вилоятида 1993 йилда 20 нафар, 1994 йили 16 нафар аёл туғиш жараёнида вафот этиб, 4 нафарга камайган бўлса, 1995 йилда яна 20 нафарни ташкил этган[14]. 1994-йилда 1 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи 26,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 1995-йилда бу кўрсаткич 25,4 фоизга тўғри келган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мукунки, ўрганилаётган даврда водий вилоятларида оналар ва болалар ўлими камайганлигига қарамай, оналар ва болалар ўлими тизимдаги асосий муаммо сифатида кун тартибида қолган. Бунинг сабаби қишлоқ аҳолисига тиббий

---

[10] Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. - Б. 42.

[11] ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 4-рўйхат, 27-йиғмажилд, 77-варақ.

[12] ФВДА, 1220-фонд, 2-рўйхат, 6-йиғмажилд, 28-варақ.

[13] ЎзР ПАА, 975-фонд, 20-рўйхат, 77-йиғмажилд, 24-варақ.

[14] ЎзР ПАА, 975-фонд, 20-рўйхат, 21-йиғмажилд, 61-варақ.

ёрдам даражаси шаҳар фуқароларига кўрсатилаётган тиббий ёрдам даражасида бўлмаганлигидир. Олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи йилдан-йилга камайиб борган. Оналар ўлимининг истиқлолнинг ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан 65 тадан 39 тага камайиши қисман аёлларнинг оилани режалаштириш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш натижасида бўлди.

WORDLY
KNOWLEDGE